Ушбу сонда:

2 УЛ ҚУЁШДИН НУР ЭРУР

7 ВАТАН ҲИМОЯСИ - МУҚАДДАС БУРЧ

8 ЭҲТИРОМ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ! — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 8 март, чоршанба № 40-41 (2090)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март - меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда аваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик - бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими - буларнинг барчасида сиз, муҳтарама опа- сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар аваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз. Қадрли опа-сингилларим! Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин- шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар биригизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин! Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Аёллар - жамият кўрки ва таянчи, меҳр-мурувват, эзгулик тимсоли. Хотин- қизларни асраб-авайлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Аёлларнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдаги, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, буюк бунёдкорлик ишларидаги улушини, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва вояга етказишдаги ўрнини халқимиз, Ватанимиз юксак қадрлайди.

ЖАМИЯТ КЎРКИ ВА ТАЯНЧИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб 7 март куни ўтказилган тантанали байрам тадбирида ана шулар ҳақида гап борди. Бу ерга мунис онахонлар, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган фидойи аёллар, иқтидорли қизлар таклиф этилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин- қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг мавқеини мустаҳкамлашга, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини янада оширишга, ҳуқуқий, интеллектуал, касб маҳорати ва савиясини юксалтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб- қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатга мувофиқ хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва соғлом оилани шакллантиришга оид кўплаб хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолият кўрсатаётгани миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг эъзозланишига, ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан асрашга хизмат қилаяпти.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали талабаси Замира Палуаниёзова, Бухоро санъат коллежи талабаси Моҳичеҳра Шомуродова юртимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг ашула ва рақслари байрам дастурига янада файз бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



Муқаддас, Мўътабар, Мунаввар, Ойдин, Гўзал, Гулчеҳра, Раъно, Дилбар, Дилрабо, Дилором, Захро... Аёлнинг ўзидек гўзал бу номларни истаганча давом эттираверинг, бари бир-биридан мафтункор, жозибали, кўнгилга ошуфта. Нафақат номи, балки аёлнинг ўзи ҳам дунёдаги жамики гўзалликка, яхшиликка тимсол.

ОЛАМГА ТАТИРЛИК СУЮК ҲАМ ЎЗИНГ

Оламнинг гули, эзгулик йўлидир аёл. Асли табиат аёлни ана шундай мукаммал, қалбини қуёшга, юзини ойга, қошларини ҳилолга, кўзларини юлдузга ўхшатиб яратди. Шунинг учун ҳам олам неча бор ўзгарса-да, ҳайбатли тоғлар емирилиб, азим дарёлар саёзлашса-да, салтанатлар неча бор келиб-кетсаларда, фақат аёлгина гўзаллик тахтида, муборак ва мўътабар оналик салтанатида мангу сўнмас қуёш бўлиб порлаб турибди. Шу боис шоирлар аёл ҳақида сўзлаганларида энг гўзал лутфларни тилга олишади, мусаввирлар энг ёрқин рангларни унга илинишади, созандалар эса тонг насимларидан оҳанг излашади. Шоирлар султони ҳазрат Алишер Навоий:

Ҳар қаён боқсам, юзимга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур,

дея аёл гўзаллигини қуёш мунаввирлигига қиёс этсалар, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов:

Оламда аёл мадҳига достон тугамайдир,
Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайдир.

Назм этди тугал Ҳофизу Саъдию — Навоий,
Не қолди, деманг, шоири даврон тугамайдир,

деб аёл бор экан, муҳаббат бор экан, гўзаллик маъбудалари мадҳи ҳар шоир ижодида янгиланиб, жилоланиб боришини алоҳида таъкидлайдилар.

Ҳа, аёл қалби — эзгуликлар уммони. У тошдан гул ундиради, зимистонни нурга буркаб, мўъжиза яратади. Доноларнинг башорат қилишларича, дунёнинг асл моҳиятини эркак ақли билан ҳис қилса, аёл қалб ҳарорати билан англаб етаркан. Шу боис инсондаги энг бокира туйғулар онадан мерос ўтаркан. Муқаддас Ҳадиси Шарифда "Жаннат оналар пойида" дейилишида катта ҳикмат бор. Зеро, Пайғамбаримиз ҳам: "Агар одам одамга сажда қилиб сиғиниши жоиз бўлганда мен фарзандларни ўз оналарига сажда қилишга буюрган бўлар эдим", деган эканлар. Дарҳақиқат, дунёда боласига меҳр билан термулиб турган онадан, жигарбандига алла айтаётган аёлдан гўзал яна нима бор. Шундан бўлса керакки, шоирлар она — аёл ҳақида қуёш нуридан қалам, ялпиздан сиёҳ, раъногул баргидан қоғоз ясаб ашъорлар битмишлар.

(Давоми 2-бетда)

«МАЖНУНТУТ»НИНГ ТУТЛАРИ

Сурхондарёлик пиллакорлар давлатга пилла етказиб бериш шартнома- мажбуриятини мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бажариб келади. Пиллакорларнинг етарли миқдорда озуқа базасига эга экани ушбу муваффақиятнинг бош омили саналади.

Вилоятда бу йил 1 миллион 800 минг туп тут кўчати экилиб, янги тут плантациялари барпо этилди. Ана шу кўчатларнинг деярли ярми Жарқўрғон туманидаги Н.Бойжуродов номли фермерлар уюшмасига қарашли «Мажнунтут» фермер хўжалигидан олинган.

«Мажнунтут»нинг 50 гектар ери бор. Хўжаликда нафақат пахта ва ғалла етиштирилади, балки тут кўчатлари ҳам парваришланади.

Касаба уюшма тадбирлари

КЎТАРИНКИ РУҲ БИЛАН



Бугун жамиятимизнинг қай бир жабҳасини олмайлик, қайси соҳага назар ташламайлик – уларнинг барчасини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Унинг самарасини Республикамизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, хусусан, аёлларимизнинг демократик жараёнларда, нодавлат ташкилотлар фаолиятидаги роли ва ҳиссаси тобора ортаётганида ҳам кўриш мумкин. Давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кўтариш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик мунис ва муҳтарама аёлларимизни янги-янги ютуқлар, изланишлар ва муваффақиятлар сари ундамоқда. Зеро, миллатга, Ватанга эҳтиром – аёлга, Онага эҳтиромдан бошланади.

Гўзал баҳор фаслининг ифорли нафаси уфуриб турган кунларда нишонланаётган 8 Март – Хотин-қизлар байрами арафасида Республикамизнинг ҳар бир гўшасида ўзига хос тараддуд ва кўтаринки руҳ билан ажойиб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шубҳасиз, Республика касаба уюшмалари ҳам хотин-қизларимиз учун ўзига хос байрам тадбирлари ташкил этиб, жамиятимиз равнақи йўлида улар қўшаётган муносиб ҳиссалари, ҳалол меҳнатларини муносиб тақдирламоқдалар.

(Давоми 7-бетда)

Бир Фармон шарофати

ЎҚУВ МАРКАЗИ

Бандлик дастури асосида фаолият кўрсатмоқда

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу масала бўйича қабул қилган қарори Шаҳрисабз туманида ҳам изчиллик билан амалга оширилаяпти.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини муҳофазалаш, туманнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ўсишини янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар дастури ишлаб чиқилганлиги ижобий самара бераяпти. Ҳар бир оилада ўзбекча урф- одатлар қарор топиши, миллий қадриятларимизнинг шаклланиши қизларни турмушга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шаҳрисабзликлар хонадонида азалдан хушмуомала, одобли, чевар ва пазанда қизлар камол топадилар. Туман хотин-қизлар қўмитаси, Тошкентдаги "Иффатли келин" хусусий корхонаси ўқув марказининг ёрдами билан турмуш қурадиган қизларни ҳаётга тайёрлайдиган ажойиб маскан вужудга келди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг кўркам Чинортаги бекатида жойлашган манзилгоҳ ҳамиша гавжум. Изланувчан ва интилувчан тадбиркор аёл Солиҳа Юсупова ва қўлигул сингиллари ҳамкорлигида иш бошлаган "Иффатли келин" корхонасини мамлакатда яхши билишади. Хусусий корхонанинг филиаллари нафақат Тошкентда, Каттақўрғон, Денов, Шаҳрисабз шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда.

Маҳаллий тадбиркор Баҳодир Алиқуловнинг саъй-ҳаракати туфайли аҳоли зич жойлашган йирик саноат шаҳрида хотин-қизларга касб ўргатадиган янги ўқув даргоҳи ишга туширилди. Унда 10 та йўналиш бўйича касб ўргатилади. Курсларда фақат касб-ҳунар ўргатилибгина қолмасдан оила эстетикаси, муомала маданияти, қайнона-келин муносабатларига оид муаммоларни оқилона ҳал этиш, ўзбекона ҳаёт ва ҳурмат, бола тарбияси хусусида машғулотлар ўтказилаяпти. Бунинг натижасида қизлар ҳам мустақил ҳаётга тайёрланади, ҳам оила бюджетини мустаҳкамлаш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳозирга қадар ўқув марказини 500 дан зиёд ёш битириб чиқди. Улар Барно опа Юсупова раҳбарлигида тикиш-бичиш, мунчоқли тикишни, костюм-шим тайёрлаш, Рихсиой Йўлдошева бошчилигида чеварлик билан бирга каштачилик, элита пардалари тикиш, Дилноза Рихсиева мураббийлигида сартарошлик, маникюр-педикюр, косметологияни, Муаттар Нурмуҳаммедова кўмагида пазандачилик, турли қандолат маҳсулотлари, Шарқ пиширикларини, торт-лар, уйғурча лагмон, манпар сингари мазали таомлар, салатлар тайёрлашни ўрганиб олишди.

Эндиликда маҳаллий хотин-қизларнинг ўзи ёшларга мураббийлик қилиб, устозлар ишончини оқлашаяпти. Марказ фаолиятида инсон омили биринчи ўринга қўйилган. Асосий мақсад аҳоли бандлик даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни муқим иш билан таъминлашга қаратилган. Маҳсулот ишлаб чиқарилишида олинган фойда ҳисобига касб-ҳунар маскани ўз фаолиятини янада кенгайтиради. Тумандаги 285 мингга яқин аҳолининг 143 минг нафарини ёшлар ташкил этади. Бандлик дастури асосида фаолият кўрсатаётган янги ўқув марказида юзлаб турмуш қуришга тайёргарлик кўраётган қизлар, уй бекалари 2-3 ойда касб ўрганиб кетишмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Тадбиркор аёл" уюшмасининг ташаббуси билан Қаршида ҳам "Шахло" ўқув маркази очилди. Янги масканда юздан ортиқ қизлар мунчоқли тикиш, каштачилик ва зардўзлик касбининг сир-асрорларини пухта ўрганишаяпти.

Қадимий Насафнинг 2700 йиллик юбилейига қаршилик Бўстоной Темирова бигиз билан тикиб, 19 метрлик сўзана тайёрлади. Косонлик Муборак Азимованинг зардўзлик буюмлари, касбилик Авазбиби Ҳусеновананинг рангдор гиламлари катта тўйга муносиб туҳфа бўлади.

И.ТИЛЛАЕВ

ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро хамкорлик марказида Япония ҳукуматининг кичик ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида грант-шартномалари имзоланди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган ушбу грантларнинг умумий қиймати салкам 404 минг АҚШ долларидан иборат. Мазкур маблағ Сирдарё, Фарғона, Бухоро вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактаблари, шифо масканлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга йўналтирилади.

Грант-шартномаларни имзолаш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

(ЎзА)

ФИДОЙИ АЁЛЛАР ШАРАФИГА

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида Куролли Кучлар тизимида хизмат қилаётган аёлларнинг 8 март - Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р.Мирзаев мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Ҳарбийликдек машаққатли ҳамда масъулиятли касбни танлаганлар сафида хотин-қизлар сони ҳам ортмоқда. Ўз касбининг фидойиси бўлган бундай хотин-қизларнинг энг фаоллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. «Шуҳрат» медали соҳибалари - сержантлар Салима Бўтаева; Муҳайё Неъматова, Шаҳло Акбарова шулар жумласидандир.

Тадбирда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ҳарбий хизматчи хотин-қизларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

- Биз, ҳарбий хизматчи хотин-қизларга кўрсатилаётган улкан эътибор учун давлатимиз раҳбаридан ғоят миннатдормиз, - дейди Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округида санитар-йўриқчи бўлиб хизмат қилаётган кичик сержант Зебо Қўлдошева. - Бундай эътибор эса бизга хизматимизни аъло даражада адо этишда кўтаринки руҳ бағишлайди.

Мудофаа вазирлигининг махсус ҳарбий оркестри ҳамда ижрочи ёшлар ижросидаги қуй-қўшиқ ва рақслар кечага алоҳида файз бағишлади.

(ЎзА)

Конимех туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалигида асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Уч мингдан зиёд овул аҳлининг қарийб минг нафарини ёшлар ташкил этади.

ҚИЗИЛҚУМ ЁШЛАРИ

Яқинда хўжалик маркази - Учтепа овулида «Қизилқум ёшлари ширкат сари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят кенгаши ташкил этган мазкур тадбирда туманнинг «Конимех», «Сарибел», «Абай» ширкат хўжаликлари ёшлари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароитлар, уларнинг орзу-интилишлари ҳақида гапирди. Тадбирда туман бадиий жамоалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Ҳар қаён боқсам, юзимга ул қуёшдин нур эрур, Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур

(Боши 1-бетда)

Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ,
Ростдан она эрур қиблаи олам.
Гарчи барчамиз ҳам падармиз бироқ,
Онадан туғилган Пайғамбарлар ҳам.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов зўр маҳорат билан таъриф берганидек, дунёга улуғ зотларни берган Онадир.

Қадим Шарқ маънавиятида онани эъзозлаш шу боис улуғ савоб ҳисобланган. Ҳозир ҳам Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоларига борган киши аввал ул зотнинг оналарини зиёрат қилади. Бу — буюк бобокалонимизнинг васиятлари. Шундай қилинса, ҳазратнинг руҳлари шод, зиёрат эса қабул бўлар экан.

Она заминимизда эса гўзал маънавияти, маърифати ила фарзанди кўнглида ажиб туйғулар уйғотган оналар кўп бўлган. Тегинамоҳбегим ана шундай волидаи муҳтарамалардан. Унинг оналик меҳру мурувватн теграсида улғайган Амир Темур жаҳонга маърифат нурини таратган турли халқни босқинчилардан озод этиб, жамиятни поклаган. Донишмандлар эътироф этганларидек, Оллоҳ улуғ зотларни онасининг улуғ меҳр-муҳаббатида яратаркан.

ОЛАМГА ТАТИРЛИК СУЮК ҲАМ ЎЗИНГ

Маънавиятнинг энг тоза ўзанларидан баҳра олган Амир Темур онага, аёлга алоҳида меҳр билан қараган. Онаси Тегинабегимга атаб маҳобатли Оқсаройни бунёд эттирган. Шоҳизиндада опаси Улуғ Туркон оқо ва синглиси Ширин бека хотирасига гўзал кошинкор мақбара қурдирган.

Машаққатли оғир кунларда ўзи пиёда юрса-да ақли расо Бибихонимни отда олиб юрган. Унга атаб Самарқандда "Бибихоним" мадрасаси ва масжидини қурдирган.

Амир Темурнинг аёлларга кўрсатган алоҳида меҳр-оқибати Бобур ва бобурийлар орасида эзгу анъанага айланган. Бобур Мирзо севикли опаси Хонзодабегимга атаб Аграда Жамна дарёси бўйида гўзал боғ ва кўшк бунёд эттирган. Ҳар жума куни ҳатто бетоблигида ҳам, Ҳиндистоннинг жазирама иссиқларида ҳам опасининг олдига бориб, ҳол-аҳвол сўраркан.

Бобур, айниқса, қизи Гулбаданбегимнинг тарбиясига алоҳида эътибор берган. Ўз онаси ёш Дилдорбегимдан олиб, Моҳимбегим тарбиясига беради. Қизалоққа малика беш ёшидан бошлаб ўқиш-ёзишни ўргатади. Отамерос истеъдодининг камол топишида Моҳимбегимнинг хизмати беқиёс. Ана шу оқилона тадбир, истиқболли меҳнат самараси ўлароқ кейинчалик Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" тарихий асарини ёзади.

Шунингдек, Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгиршоҳнинг севикли хотини Нуржаҳон бегим ҳам ақли расо аёл бўлган. Ҳатто давлат ишларида ҳам умр йўлдошининг яқин маслаҳатгўйи ҳисобланган. Салтанатда унинг нуфузи шу даражада баланд бўлганки, 12 граммли катта олтин танга зарб этилиб "Нуржаҳон" деб аталган. Шоҳжаҳон аёлни эъзозлашда отасидан ҳам катта шуҳрат топди. Унинг гўзал, оқила ва доно хотини Мумтоз Маҳал вазирлардан ҳам юқори турадиган муҳрдорлик вазифасини бажарган. Бу доно аёл умрининг охиригача эрига ва давлат ишига алоҳида садоқат кўрсатган. У вафот этгач Шоҳжаҳон Аграда пок муҳаббатлари рамзи сифатида Тож Маҳални қурдирди. Севги қасри ҳали-ҳануз дунё аҳлини ҳайратга солади, сайёҳлар оқими бир кун бўлсин тўхтамайди. Тожи Маҳал аёл муҳаббатига қўйилган энг гўзал севги қасридир. Бундай эзгуликдан барпо этилган гўзал санъат асарлари эса дунё тургунча туриши шубҳасиз.

Шу ўринда истиқлолнинг 14 йиллиги арафасида мамлакатимиз пойтахти Тошкентдаги Мустақиллик майдонида Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва Эзгулик монументи ёдга келади. Зеро, Мустақиллик ва Эзгулик тушунчаларини бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Она сиймоси эса биз учун азалдан меҳр-муҳаббат, фидойилик, бир сўз билан айтганда, эзгуликнинг ёрқин тимсолидир. Қолаверса, Мустақиллик ва Эзгулик халқимизнинг асрлар оша асраб-авайлаб келаётган катта бойлиги. Ахир дунёда фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр, озод ва ҳур онадан кўра эзгу ва қадрли яна нима бор!

Бугун аёлларимиз давлат ардоғида. Олис қишлоқларда деҳқончилик қилаётган аёлдан тортиб йирик корхоналарни бошқараётган раҳбар аёлгача, фарзандларини қалб қўри билан тарбиялаб, унга Ватанни севишни ўргатаётган онадан тортиб мамлакат қонунларини яратишда иштирок этаётган депутат аёлларгача, барчабарчасининг қалбида меҳр-муҳаббат билан бирга эл, юрт иши учун фидойилик, бунёдкорликдек буюк туйғу мужассам. Негаки, уларнинг барча ҳуқуқлари қонунларимиз билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат Дастурида энг нуфузли жамоат ташкилотининг устувор йўналишларидан бири хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат билан таъминлаш, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштироки, билим олиш, ўқитиш ва шахс эркинлиги ва дахлсизлиги, эркаклар билан тенг ҳуқуқлилик, бир сўз билан айтганда, ҳаётимиз файзи ва кўрки бўлган мўътабар зотларни ҳимоялашга қаратилган.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали аёлларнинг иш кунларини қисқартириш ёки 16 ёшгача боласи бўлган ишловчи аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кунлари бериш каби ижтимоий масалалар ҳал этилди. Ушбу имтиёзлардан айни кунда минглаб аёлларимиз баҳраманд бўлаётгани айни ҳақиқатдир.

Ҳар йили жамоа шартномаси ва келишувлари бўйича 600 минг нафардан зиёд хотин-қиз қўшимча таътил олишади, аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилди. Шунингдек, 200 минг кўп болали мактабгача тарбия ёшидаги боласи бор ишловчи аёллар учун қисқартирилган иш куни жорий этилди. Бундан ташқари, кўп болали ишловчи аёлларга иш берувчилар ҳисобидан бепул тиббий ёрдам кўрсатилади.

Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши таътилида бўлган 5 мингга яқин ишловчи аёлларга моддий ёрдам уюштирилади.

Бугунги кунда юқоридаги имтиёздан иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги 21 мингдан ортиқ аёллар ҳам фойдаланмоқда.

Хотин-қизларнинг кўнгилли дам олишлари учун касаба уюшмалари томонидан доимий ғамхўрлик қилинмоқда. Касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторий-профилакторий, дам олиш уйларида хотин-қизлар ўз саломатликларини тиклашлари баробарида болалари билан биргаликда дам олиш имкониятига ҳам эга бўлганлари қувончли ҳолдир. Мақтовли томони шундаки, йўлланма қийматининг асосий қисмини касаба уюшмалари тўламоқда. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг йўлланмалари ҳам ана шу тартибда берилмоқдаки, бу оналар учун ўзига хос имтиёздир. Чунки, аёл зоти борки, фарзандининг соғ-



омон ўсиб-улғайишини орзу қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришда хотин-қизлар фаолияти беқиёс аҳамият касб этмоқда. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиб, меҳнат жамоаларининг жўшқин ҳаётида иштирок этмоқдалар.

Бугунги кунда касаба уюшма вилоят кенгашларининг 29 фоизида, туман, шаҳар миқёсидаги тармоқ касаба уюшма органларининг 15 фоизида, бошланғич ташкилотларининг 41,4 фоизида хотин-қизлар етакчилик қилишмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги барча касаба уюшма ташкилотларида айни кунда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилаётган байрам тадбирлари аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Эзгулик ва яхшилик тимсоли бўлган аёл шаънини қанча улуғласак ҳам оздир. Зеро, Навоий ҳазратлари айтганларидек:

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин-аёғинг яхши!

Амина ҚОДИРОВА

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Шарофат опа дастлаб бу жойларни кўриб юраги шувиллаб кетган. Ярми тошлоқ, ярми тўқайзор... Бу ерда қандай қилиб ҳосил етиштириш мумкин, деб ўйлади-ю лекин ўйлаганларини тилига чиқармади.

ТЎҚАЙЗОРДАН ОЛТИН ТОПДИ У...

- Ҳа, ўйланиб қолдингиз... Ер сизга тўғри келмайдими?

Саволни эшитиб Шарофат опа бир чўчиб тушди. Дарҳол ўзини ўнглади.

- Йўғ-е, нега унақа дейсизлар? Мен шу ерни ўзлаштираман!

Тўқайзорни "тозалаш" борасида ёлғиз ўзи режа тузаркан, қайнотаси раҳматли Фозил бобонинг қиёфаси хаёлидан "лип" этиб ўтди. "Шарофат, болам, сен ерни тўйдирсанг, ер элни тўйдиради" дея насиҳат қилганди бободеҳқон келинига бир вақтлар. Шу асл деҳқоннинг хотирасига у "Фозил бобо" деҳқон фермер хўжалигини ташкил этди. Умр йўлдоши Муҳаммаджон Фозилов ҳамда ўғиллари билан бирга қаттиқ ишлади, тошлоқ ва тўқай жойлар тозаланиб, ўғит билан таъминланди. Пахта, ғалла экди, ҳар ҳолда ўша йили бўлмаса-да, уч-тўрт йилда ер тобланди, кутилган ҳосилни берди. Мана, олти йилдирки, Шарофат Фозилованинг режалари улкан, ҳосили баланд, теварак-атрофдагиларга ёрдами катта, муҳими, эл ичида изза-ҳурмати баланд.

- Қирқ гектар жойда уруғлик пахта ва ғалла етиштирамиз, - дейди Шарофат Фозилова. – Аслида уруғлик ҳосил етиштиришнинг нозик жиҳатлари бор. Яъни, меҳнати кўп, одамдан синчковликни талаб қилади. Вақтида сув, ўғит бериш, вақтида ишловни йўлга қўйиш зарур. Хуллас, эрта кўклamдан то кеч кузаккача астойдил ишлашга тўғри келади.

Шарофат опанинг айтишича, инсонни элга танитгувчи, қадрини, қаддини кўтаргувчи, шаънини улуғлагувчи – меҳнатдир. Одам меҳнат туфайли бойийди, орзу-мақсадларига эришади, ўзлигини топади. Бу - ҳақиқат. Шарофат Фозилова меҳнатидан бахт топган аёл. "Мен тўқайзорлардан тилла топганман" дейди у ҳамиша кулиб. Чиндан ҳам тўқайзорни ўзлаштириб у ерда тоғ-тоғ хирмон етиштирган деҳқон аёлнинг эл ичидаги обрў-эътибори янада ортди, бу ҳар қанча тилларга топилмайдиган бойлик, аслида. Ушбу йилнинг бошида Шарофат Фозилова заҳира ерлар ҳисобига яна битта деҳқон фермер хўжалигини ташкил этди. "Уста Эргаш ота" деб номланган бу фермер хўжалигини ўғли Узоқбой Фозилов ихтиёрига берди. "Бу ерни ўзлаштириб, пахта ва ғалла етиштирмоқчимиз" дейди опа биз билан суҳбатда.

Меҳнатнинг таги роҳат, дейдилар. Ўтган йиллар ичида Шарофат Фозилова қилган меҳнатлари эвазига юқори даромад олди. Ўғил уйлаб, қизларни турмушга берди. Бундан ташқари, қўл остида ишловчи серфарзанд хонадондан чиққан ишчилари ўтказган тўйларга ўзи бош-қош бўлди. Соф даромадидан тумандаги болалар боғчалари ва мактабларга ёрдам пули ажратди.

- Муҳтарам Президентимиз ҳомийлик кўмагини шифокорнинг беморга мадад бериши билан тенглаштирдилар, - дейди Шарофат опа. – Демак, биз инсонларга ёрдам берсак, уларнинг руҳан тетик ва соғлом бўлишиниям таъминлаган бўламиз. Бу ўхшатиш менга қаттиқ таъсир қилди. Ўтган йилги ҳосилимиз мўл бўлиб, юқори даромадни қўлга киритгач, туманимиздаги серфарзанд, кам даромадли хонадонларга, шунингдек, ошхона, мактаб ва болалар муассасаларига моддий ёрдам бердик, совға-салом ажратдик. Ишчиларимни қўллаб-қувватладим, моддий шарт-шароитларини яхшилашга кўмаклашдим. Ахир инсон инсонга ҳамиша керак, бир-биримизнинг кўнглимизни кўтариб яшашга не етсин...

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида Шарофат Фозиловага ўхшаш фермер аёллар кўп. Доимо бир-бирларидан ўрганиб, бир-бировларига ўргатиб келаётган бу деҳқон аёллар бир даврада йиғилишса бас, сўз фақат деҳқончиликка келиб тақалади. Ғўзани неча марта ишловдан чиқариш керак? Ғаллани-чи? Ҳосилни олдиндан чамалаб билиш мумкинми? Хуллас, шунга ўхшаш саволларга бир-бирларидан жавоб излашади. "Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд" дейишади туман раҳбарлари улар ҳақида гап кетса.

"Оқ лайлак" деҳқон фермер хўжалиги Шарофат опанинг маслаҳатлари асосида иш юритиб, анча олдинга чиқиб олди. Шундан сўнг ён-атрофдаги деҳқонлар ҳам Шарофат Фозиловадан маслаҳат ва йўл-йўриқ олиш истагида "Фозил бобо"га келиб турадиган бўлишди. Ахир, тажрибада гап кўп. Ерни созлаш, ўзлаштириш ва мўл ҳосил етиштиришда эса Шарофат Фозилованинг тажрибаси етарли.

Астойдил меҳнат Шарофат опага обрў келтирди, бойлигига бойлик қўшилди. "Мен меҳнатнинг кучига ишонаман, - дейди Шарофат опа. – Ишлаш ва изланиш деҳқончиликнинг сиру асрорларини чуқур билиш демакдир. Чинакам меҳнат қилган одам нафақат ўз хонадонининг, балки она юртининг дастурхонига ҳам барака улашади!"

Тадбиркор деҳқон Шарофат Фозилованинг меҳнатдаги шиори шу.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Бир ҳовуч гавҳар

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
Меҳнат бор, муҳтожлик доим бегона.
Онамсан, ёримсан, синглимсан фақат,
Дунёда энг азиз дўстим, ягона.

Ғафур ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан бехабар ўтади.

СТЕНДАЛЬ

Доно аёл! Агар эринг барча бўш вақтини сен учун сарфлашини истасанг, унга ҳеч қаерда кўрмаган, ҳис қилмаган иззат-икром ва лаззатлар ато қил.

ПИФАГОР

Аёл гўзаллиги шундай жозибали кучки, унинг олдида ҳатто фил ҳам тўхтаб қолади.

Япон мақоли

МЎЪТАБАРЛАР СЎЗЛАСИН

Коммуна ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Бахтим шуки, улуғ санъаткорлар менга устозлик қилишди. Урушдан сўнг Хоразмга қайтиб Гавҳар Раҳимова ташкил этган "Хоразм" ансамблига қўшилдим. "Лазги"га Гавҳархоним билан бирга ўйнадим. "Меҳнат аҳли"ни Ҳалима Носирова билан бирга айтдим. Комилжон Отаниёзов билан "Шоҳсанам ва Ғариб"дан айтишувлар қилдим. Маҳомда Берта Давидовага эргашдим. "Гулнора" ариясини узоқ йиллар куйладим. "Насруллои"да Гуландомни, "Тановор"да Озодани, "Хоразм хони"да Ёқутхонни ижро этдим. "Қашқарчаи Ушшоқ" мени, айниқса, кўпроқ машҳур қилди. Бу қўшиқнинг мисралари ўтлуғ, куйи ҳам ўзгача эди, шу учунми жуда берилиб айтардим. Умримнинг йигирма йилдан кўпроғи Ўзбекистон Давлат филармониясида кечди. Шу даргоҳдаги изланишларим Коммуна Исмоилова бўлиб тан олинишимда алоҳида аҳамиятга эга.

Ким менинг қўшиғимга ҳавас қилиб, уни ўзича хиргойи этган бўлса, ўша менинг шогирдим. Сизга битта ҳақиқатни айтай, одамнинг меҳри одамни яшартиради, яшашга, ишлашга ундайди. Бугунга қадар элнинг меҳрига сазовор бўлганимни ўйлаб севинаман. Биз кекса санъаткорларни янада улуғлик тахтига кўтараётган бугунги ҳур, озод кунларимизнинг ҳар сониясини тавоф қилиб кўзларимга суртгим келади.

Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— "Табиатда битта мукаммал мўъжиза бор, у - Аёлдир!" деган экан машҳур файласуф.

Сиз ҳеч онангизнинг тизза-ларига бош қўйиб ухлаганмисиз? Нималарни ҳис этгансиз? Улкан меҳр ummони шу мунис ва меҳрибон вужуднинг томирларида оқаётгани сизга аён бўлгандир. Биргина "болам" деган сўзидан ҳам оламча меҳр уфуриб турадиган аёл зоти дунёга фақат яхшилик соғиниб яшайди. Бошқаларни аяб, ҳар юмушга ўзи югурадиган, ўзгаларни севиб, ардоқлаб, эвазига ҳеч нарса кутмайдиган ҳам аёлдир. Раҳматли бувижонимни кўп эслайман. Камсуқум, жафокаш аёл бўлганлар. Ўзлари бирор сатр шеър ёзмаган бўлсалар-да, туғма шоира эдилар. Юздан ошиқ термаларни ёддан билардилар. Бизга эртак айтавериб ҳеч эринмасди. Баъзан жуда секин хиргойи ҳам қилардилар:

Ёрилгин тош ёрилгин-а,
Мен дардимни айтайин...

Кейин ўзлари бир четга ўтиб йиғлаб олардилар. Бувимнинг ўшандаги ҳолатини мен йиллар ўтиб тушунганман. Аёл ҳаётидаги жамики ғам-ғуссаларини ҳамиша сабр билан енгаркан!

Театрда ҳам, кинода ҳам асосан она ролини ўйнадим. Мен яратган оналар турли ёшда, турмуш тарзи, феъллари ҳам турлича. Умуман, она образини яратиш актриса учун осон кечмайди, у жуда кўп изланиши зарур бўлади. Мен қачондир Шарқ онасининг мукаммал қалбини саҳнада тўлақонли очиб берсам, дейман.

ГЎЗАЛ



Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини буқиб,
Айтадир: "Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!.."

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа,
Ул-да айтадирки: "Қизил ёноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: "Бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни: шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!.."

Ул кетгач кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.
Ул-да уятидан беркиниб, қочиб,
Айтадир: "Бир кўрдим, тушдамас ўнгда.

Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!.."

ЧЎЛПОН

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ

Ўзбекистон қизлари бу - рўмоллари байроқчалар,
Сал жилмайиб қўйса агар кулгичлар ўймоқчалар,
Гажакларининг остида бир кўриниб, бир беркиниб,
Гул юзига бергай жило япроқмисол балдоқчалар.

Куйдирмасин деб бир қараб, ёғдусини тараб-тараб,
Кўзни ёпар киприклари-гўё қаро тароқчалар.
Табассумини ёшуриб лабларининг чеккасига
Гулдан учиб қўндимикан лабларига япроқчалар.

Мунисадир, мухлисадир, лекин кўнгил тарож этар,
Ҳеч ерда йўқ, ҳеч ерда йўқ, бундай гўзал "қарок"чилар.
Юрти, уйин обод этар, мўъжизалар бунёд этар,
Ял-ял хинога ранг бериб, гулдек нафис бармоқчалар.

Мақсуда ЭРГАШЕВА

ОНАЖОНИМ, БУНЧАЛАР ЯХШИСИЗ

Таъзим

Дунёда шундай зот борки, унинг номини тилга олишинг билан кўнглинг ҳам қуёшдек чарақлаб кетгандек, майин бир оҳанг вужудинг узра таралаётгандек роҳат туясан, яна дунё кўзингга гўзал бўлиб кўринади. Унинг учун яшагинг, унга муносиб бўлгинг келади. Унинг теграсида, дуолари шарофатидан ҳар куни улғайиб борасан. Бу муҳтарама зот дунё бешигини тебратиб турган — онадир.

Менинг онажоним оилада ҳам, жамоада ҳам, ҳатто аёллар ўртасида ҳам донолиги, тадбиркорлиги билан намуна. Катта ғайрат, енгилмас руҳий қувватлари билан биз — уч фарзандни фақат яхшилик, эл-юрт хизматига даъват этадилар. Баъзан онажонимга ҳайрон қоламан, давлат ишидан чарчаб келганларига қарамай, мол-ҳол, рўзғор ташвишлари дегандек ҳеч тинмайдилар. Яна икки орага бетоб қўни-қўшни, қариндош-уруғлар ҳолидан хабар олишга ҳам улгурадилар. Нуронийлар дуосини олишни канда қилмайдилар. Нон ёпганларида иссиқлигида қўшни онахону отахонларга илинадилар.

Онам Шофиркон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида касаба уюшма раиси сифатида узоқ йилдан бери ишлаб келмоқдалар. Бу йил ширкат таркиб, ерлар фермерларга бўлиб берилди. Бу билан онажонимни ишлари янада қўпайди. Негаки, фермерлар касаба уюшмасини тузиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, дам олиши, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, ғолибларни рағбатлантириш, хуллас, ишлайман, деганга иш топилади.

Яна 7 йилдан бери фаолият кўрсатаётган "Нодирбек" хусусий фирмасини бошқарадилар. Бу ерда ҳар йили 20 нафар қизлар касб-ҳунар сирларини эгаллаб, ўзлари мустақил фаолиятларини бошлайдилар. Онам бу фирмани очишларидан мақсад қишлоқ қизларини касб-ҳунарга жалб этиш, турмушга тайёрлашдир. Ҳозир бу ерда қизлар зардўзлик, тикувчилик сирларини ўрганишмоқда.

Мен ўзимни бахтли инсон деб биламан. Чунки биринчи устозим ва йўлчи юлдузим онам борлар.

Ниятим — барча оналарга фарзандлари камолини кўриш насиб этсин.

Зокир ШАРИПОВ,
Тошкент Давлат Аграр университети иқтисодиёт факультети талабаси

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Аёлини асраган эл қудратли, онасини эъзозлаган фарзанд толеи баланд бўлади.

Азиз опа-сингиллар!
Она-Ватанимизни гуллаб-яшнатиш йўлидаги улуғвор ишларингизда улкан муваффақият, оилангизга бахт-саодат ёр бўлсин!









ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Мамлакатимиз аёлларини 8 -Март — Хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади.

Оилавий бахт ва фаровон ҳаёт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Оналарнинг оёғи остидадир

Равзаи жаннату жинон боғи.

Равза боғин висолин истар эсанг

Бўл онанинг оёғин туфроғи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Мунис оналаримиз, азиз опа-сингилларимизни 8-Март — Хотин-қизлар байрами билан самимий мубораkбод этади.

Ҳамиша толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

8-Март

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

Ҳаётимиз гуллари бўлмиш хотин-қизларимизни — ажойиб байрам билан самимий қутлайди!

Ҳамиша бахтиёр, гўзал ва суюкли бўлинг.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ

Маънавияти тоза ўзанларга уланган покдомон аёллар тарбиялаган фарзандларгина жаҳонга маърифат нурини таратгай.

Бу йўлда соҳа ходимларига туганмас куч-қувват, ақл-идрок ва сабр-бардош тилаймиз. Сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик асло сизни тарк этмасин!

Касаба уюшма тадбирлари

(Боши 1-бетда)

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан ушбу айём муносабати билан ишловчи хотин-қизлар билан учрашув ташкил этилиб, давра суҳбати ўтказилди ва аёлларга байрам совғалари топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилиб, "Соғлом оила" шиори остида ўтказилган аёллар тармоқ спартакиадаси ҳам мазкур айёмга бағишланди. Спортнинг шоҳмот, шашка, стол тенниси ва стритбол турлари бўйича ташкил қилинган ушбу тадбирда туман ва шаҳарлардан 130 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди.

Бундан ташқари, кутубхоналарда "Оналар бор олам мунаввар", "Аёл – оила фариштаси", болалар кутубхонасида эса "Дунё гўзаллиги – оналар билан" адабиёт кўргазмалари ва таниқли ёзувчи, шоирлар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.



СПАРТАКИАДА БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Соғлом онадан шубҳасиз соғлом фарзанд туғилади. Бола ҳам жисман, ҳам маънан ва руҳан тетик, бақувват бўлади. Саломатликни таъминловчи омиллардан бири эса спортдир. Шу боис касаба уюшмалари меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини спорт орқали соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Хусусан, Андижон вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси аёллар байрами арафасида тармоқлараро вилоят аёллар спартакиадасини ўтказди. Унда 360 нафар иштирокчилар спортнинг 6 тури – волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, шоҳмот, шашка ва арқон тортиш бўйича мусобақалашдилар. Қизғин лаҳзаларга бой ва кўтаринки руҳда ўтган мазкур тадбир якунига кўра таълим ва фан ходимлари вилоят кенгаши жамоаси 1-ўринни, агросаноат мажмуи 2-ўринни, соғлиқни сақлаш ходимлари жамоаси эса 3-ўринни қўлга киритдилар.

Ғолиб жамоалар ва турлар бўйича шоҳсупадан ўрин олган аёллар – стол тенниси мусобақаси ғолиблари Нилуфархон Солиева ва Мастура Жалилова, енгил атлетика пешқадамлари Марина Ходак ва Манзура Болтабоева, шоҳмот усталари Моҳидил Каримова ва Мавлуда Маҳкамова, шашка мусобақаси бўйича ғолиб чиққан Карима Мирзаева ва Манзура Раҳимова ҳамда волейболда ғолибликка эришган таълим ва фан ходимлари тармоқ жамоасининг 8 нафар аъзолари вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари, тармоқ касаба уюшма вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ва вакилликлар хотин-қизлар қўмиталари, корхона, ташкилот ва муассасалар, хўжаликлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар.

ТАБАРРУК ЗОТЛАР ЭЪЗОЗДА

Жиззах вилоятидаги шаҳар, туман, маҳаллалар, корхона, ташкилот, муассасаларда, ҳарбий қисмларда хотин-қизлар байрами муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган ана шундай тадбирлардан бири Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театрида ташкил этилди. Унда вилоятдаги 20 нафар фаол аёлларга совғасаломлар топширилиб, таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Шунингдек, ҳаётда ва фаолиятда барчага ўрнак бўлаётган аёллардан 250 нафарига байрам дастурхони ташкил этилиб, совғалар берилди.

Байрам арафасида вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари табаррук ёшдаги онахонлар ҳолидан хабар олишни ҳам ёддан чиқармадилар. Улар 100 ёшдан ошган 111 нафар мунис онахонлар хонадонида бўлиб, совғалар тақдим этдилар. Вилоятдаги 318 нафар фермер аёлга ҳам ана шундай эътибор кўрсатилди.

Маҳаллалардаги ижтимоий кўмакталаб, ёлғиз кекса аёллардан 500 нафарига, ногирон аёлларнинг 100 нафарига 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, жойларда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган мухтарама онахонлар билан ёшлар ўртасида "Икки авлод учрашуви" номли тадбирлар, "Энг саховатли оила", "Энг мурувватли оила", "Намунали тадбиркор аёл" каби кўрик-танловлар, хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

АЖОЙИБ ДАСТУР

Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам аёллар айёмига бағишлаб турли байрам тадбирлари ташкил этилмоқда. Уларга вилоятдаги фаол, меҳнатда ва ҳаётда барчага ўрнак аёллар, мунис ва мухтарама онахонлар таклиф этилиб, ҳурмат ва эътибор намуналари кўрсатилмоқда.

"Кўксарой" мажмуида ўтказилган "Аёл билан олам мунаввар" байрам тадбирига Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан 100 нафар фаол ва илғор фахрий тиббиётчи аёллар таклиф қилиниб, ажойиб байрам дастури намойиш этилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан шаҳар ва туманларда кўп йиллар меҳнат қилиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган фахрийлар, барчага намуна бўлган бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида "Жаннат фариштаси эмасму аёл" номли тадбир ўтказилди. Унда иштирок этган 60 нафар аёлга тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, бирлашма томонидан жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган аёллар учун байрам дастури ташкил этилиб, муносиб тақдирландилар.

КУЙ ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув маркази биносида Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан баҳор байрами – 8-Мартга бағишлаб ташкил этилган ажойиб тадбир бўлиб ўтди. "Аёлга таъзим" деб номланган ушбу тадбирда вилоятда меҳнат қилаётган тиббиёт ва халқ таълими ходимлари, металлург ва энергетик, тадбиркор ва фермер аёллар, қўйингки, жамиятимизда турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган илғор хотин-қизлар, касаба уюшма фаоллари таклиф этилдилар. Байрам дастуридан ўрин олган таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади. Мухтарама аёлларга байрамона эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби

Ватан ҳимояси - муқаддас бурч

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган Ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейининг ҳам ўз ўрни бор.

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ БЎЛАЖАК ПОСБОНЛАРИ

Барча соҳада бўлгани каби ҳарбийлик ҳам тинимсиз ўқиш, ўрганиш ва изланишлар билан эгалланадиган касб. Лицейнинг машқ майдони - плацда бир гуруҳ ўқувчининг сафда юришни астойдил машқ қилаётганини кўриб, хаёлимдан шу фикр кечди. Взводь сардори - командирнинг овози қатъий жаранглайди: бир-икки, бир-икки! Оёқни баландроқ кўтаринглар!

Машқларни бехато бажаришга уринаётган болаларга бир лаҳза тин олишга рухсат бўлади. Қоматига ҳарбий форма ярашиб турган ўқувчилар куни кеча кўча чангитиб юрган болалар бўлганига ишонгинг келмайди. Ўзини тутиши ҳарбийларга хос - жиддий, ҳаракатлари дадил, гаплари қатъий.

Буни уларнинг бири - 11-синф ўқувчиси термизлик Искандар Рўзметовнинг гапларидан сездим. Чегарачи бўлишни ният қилган бу йигитчанинг мазкур соҳа вакилларига хос фазилат эгаси эканлигини - зийрак ва ўта тиришқоқлигини мураббийлари алоҳида таъкидлашди. Лицейда Искандардай иқтидорли ёшлар кўп.

- Келажакда Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирмоқчиман, -дейди у.- Бу - менинг болалик орзуим.

Мазкур билим маскани директори Собир Аҳроровнинг айтишича, лицейга ўн беш ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Икки йил мобайнида уларга умумий ўрта таълим фанлари билан бирга, ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик бўйича дарслар чуқур ўргатилади.

Лицейда ўқувчиларнинг жисмонан чиниқиб, билим ва маҳоратини ошириши учун барча шароит яратилган. Уч юздан зиёд ўринга эга шинам ётоқхона, замонавий ошхона ва спорт заллари курсантлар ихтиёрида. Улар турли спорт секциялари, фан, компьютер, хорижий тилларни ўрганиш тўгаракларида мунтазам шуғулланадилар. Жанговар ўқув машқларида иштирок этадилар.

Лицейда тарбияланувчиларнинг, айниқса, жисмоний тайёргарлигига, жумладан, спорт билан мунтазам шуғулланишига алоҳида эътибор билан қаралади. Бу ўз самарасини бермоқда. Мазкур таълим даргоҳи вакиллари мамлакатимиздаги ҳарбий лицейлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт мусобақаларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўтган йили Урганч шаҳрида бўлган ана шундай мусобақаларда ғолиб чиққан жамоа ҳозир Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган беллашувларга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Лицей битирувчиларининг олий ҳарбий ўқув юртларига ўқишга кириш кўрсаткичлари бошқа турдош таълим даргоҳларидагидан анча юқори эканлигини таъкидламоқ лозим. Бунда ўзига малакали ўқитувчилар, ҳарбийлар ва мураббийларни бирлаштирган педагоглар жамоасининг хизмати катта. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли Ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида таълим олаётган бугунги ўсмирларнинг Ватанимиз истиқлолининг ишончли посбонлари бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

(ЎзА)



Фольклор этнографик халқ жамоаларининг Самарқанд вилоят ҳудудий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган фольклор жамоалари ўз дастурларини намойиш қилдилар. Танлов якунида ғолиблар аниқланди.

Суратларда: ёш иштирокчи Ўроқбой Расулов; Самарқанд тумани ҳаваскорлари.

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган суратлар



ФАРҒОНАДА НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз байрами олдидан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Зеро, бу умумхалқ байрамини ҳар йили ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват билан қарши олиш ҳайрли анъанага айланган.

Фарғонада ҳам Наврўз байрамига пухта тараддуд кўрилмоқда. Ободонлаштириш ишларида каттаю кичик фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 43 гектар майдондаги майсазор ва гулзорлар тозаланиб, ўғитланди. «Бешбола» иссиқхонасида ундирилган гул кўчатларини кўчалар, боғлар, хиёбонларга экиш ниҳоясига етказиляпти. Бу ишларда бир қатор ўқув юртлари ҳамда ташкилот ва корхоналар ўрнак кўрсатяпти.

Ёшлар маданият ва спорт мажмуаси теграсидаги, шунингдек, Алишер Навоий, Қувасой, Мустақиллик кўчаларидаги хиёбонларга экилган манзарали дарахтлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.

Бир қатор кўчалар таъмирланди. Қувасой кўчасидаги Марғилонсой кўприги, Охунбобоев даҳасидаги пиёдалар ўтиш кўприклари таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда Фарғона-Қўқон йўли ўртасидаги гулхоналарни мунтазам суғориш учун 2800 метр узунликдаги қувурлар ётқизилмоқда. Байрам арафасида фойдаланишга топшириладиган бир қатор савдо расталари, ижтимоий объектларда ҳам ишлар охирига етказилди. Ўтказилаётган ҳар бир ҳашар кўча ва хиёбонлар, тураржой мавзеларининг ораста-лигини таъминлашга хизмат қиляпти.

Ўзининг 2000 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган Марғилон шаҳрида, Қўқон шаҳри ва бошқа туманларда ҳам бу борадаги ишлар қизғин давом этмоқда.

(ЎзА)

Спорт оламида



Футбол

ЖАМОАЛАР ЎЙИНГА ШАЙ

Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида илк марта қатнашаётган Муборакнинг "Машъал" жамоаси Қувайтга учиб кетди. Бу ҳақда ЎФФ ахборот -таҳлил бўлими хабар тарқатган. Ушбу мусобақалар доирасида вакилларимиз Ироқнинг "Ал-Минал" жамоасига қарши ўйинни хавфсизлик мақсадларида Қувайтда ўтказадиган бўлди.

"Машъал" ушбу сафарга 20 нафар футболчи билан йўл олган. Учрашувни яманлик ҳакамлар гуруҳи бошқаради. Ўйин Тошкент вақти билан соат 18:00 да бошланади.

"Пахтакор" жамоасининг Осиё чемпионлар лигасидаги рақиби Суриянинг "Ал-Иттиҳод" жамоаси ҳам куни кеча пойтахтимизга етиб келди.

НАШРЛАР ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Профессионал жамоа сифатида шаклланиб улгурган Тошкентнинг "Пахтакор" клуби расмий нашри "Пахтакор Онлайн" ҳафтаномасини сотувга чиқарди. Ўз касбининг усталари бўлган гуруҳ томонидан нашрга тайёрланган ушбу ҳафтаномага таниқли спорт шарҳловчиси Мирзаҳаким Тўхтамирзаев бош муҳаррирлик қилмоқда.

"Пахтакор Онлайн" ҳафтаномаси Ўзбекистон футболи ва унга дахлдор мавзуларни ёритиш орқали "Пахтакор" жамоасининг ҳар бир янгилигини интизорлик билан кутаётган мухлисларга жамоанинг ички ва ташқи ҳаёти ҳақида сўзлаб беради.

Мазкур нашр рангли ва ялтироқ сифатли муқовага эга бўлиб, унинг ижодкорлари нишона сонининг кўпчиликка маъқул келишига умид билдиришмоқда.

АЛЕКСЕЙ СМЕРТИН ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

Россия терма жамоаси ҳамда Англиянинг "Челси" жамоаси футболчиси Алексей Смертин Москванинг "Динамо" клуби билан шартнома имзолади. Бу маълумот душанба куни Алексей Смертиннинг интернет саҳифасида эълон қилинган.

-Ўтган ҳафтада агентим Пауло Барбоза билан бирга "Динамо" жамоаси раҳбарияти билан келишувга имзо чекдим,- дейди у. –Асосийси, 13 март куни бўладиган "Динамо" ва "Крилья Советов" клублари ўртасидаги кубок ўйинигача ҳамма масалалар ҳал этилса бўлди. Ушбу жамоада Юрий Сёминдек мураббий билан ишлаш бахтидан хурсандман.

Маълумки Смертин "Челси" сафига 2003 йил франциянинг "Бордо" жамоасидан ўтганди. Бироқ у лондончиклар томонидан "Портсмут" ҳамда "Чарлтон" жамоаларига ижарага бериб келинаётганди.

КЛИЧКО МАШҒУЛОТЛАРГА КИРИШДИ

WBO йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони, украиналик Владимир Кличко Мальорка шаҳрига етиб келди. У бу ерда келгуси олти ҳафта давомида машғулотлар ўтказади.

Хабарингиз бор, 22 апрел куни Кличко ўта оғир вазнда IBF йўналиши чемпиони Крис Бердга қарши рингга чиқади. Ака-ука Кличколарнинг расмий сайтида маълум этилишича, у билан бирга мураббий Эммануэл Стюард ҳам бу ерга келган. Ҳозирда боксчи ўзини жуда яхши ҳис қилаётганини ва ажойиб спорт формасида эканлигини баён этган. Устоз ва шогирд бир ҳафтадан сўнг спарринг-рақиблар билан машғулотлар бошлайди.

-Рақиб танлаш жуда оғир кечди. Мураббийим билан Крисга ўхшаб жанг ўтказа оладиган йигитларни топдик ва у иштирок этган жанглар видеоёзувларни диққат билан кўриб чиқдим. Энди биз кузатувларимизни жамлаб, жангда ғолиб чиқиш мумкин бўлган усул ва йўналишларда машғулотларга киришаман, -деган боксчи.

Шоҳмот

ИНСОН ВА КОМЬПЮТЕР БЕЛЛАШУВИ

Инсон тафаккури ҳар нарсага қодир. Олимларнинг таъкидлашича, инсонга ато этилган ақлий имкониятларнинг фақатгина 5 фоизидан фойдаланар эканмиз. Россиялик таниқли гроссмейстер Владимир Крамник яна комьпютер билан ўйин ўтказишга аҳд қилиши билан инсон қолган ақлий имкониятларни ҳам ишга солиш тадоригини кўраётганини исботламоқчи кўринади.

Олти партия давом этадиган учрашув Бонн шаҳрида шу йилнинг 25 ноябридан 5 декабригача ўтказилади. Агар DEEP FRITS дастурига қарши баҳсда Крамник ғолиб чиқса, унга бир миллион АҚШ доллари миқдоридаги мукофот берилади. Шоҳмотчи аввал ҳам комьпютер дастурига қарши ўйин ўтказиб, зафар қучганди.

АНАТОЛИЙ КАРПОВ ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Машҳур гроссмейстер, собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов номи билан аталган VII халқаро шоҳмот турнири иштирокчилари номи маълум бўлди. Ханти –Мансийск ўлкасининг Пойковский қишлоғида ўтадиган турнирда Испания, Молдова, Голландия, АҚШ, Украина сингари мамлакатлардан шоҳмотчилар иштирок этади.

Баҳслар 18-24 март кунлари бўлиб ўтади. Турнирга сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ тайёрлади

ҚАЕРДА, ҚАЧОН, НЕГА?

ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

БЕЛОРУССИЯ САЙЛОВ АРАФАСИДА



Маълумки, ушбу мамлакатда 19 мартда президент сайлови бўлиб ўтади. Унгача ҳали ўн кун бўлса-да, томонлар ўртасидаги одатий кураш кутилгандада ортиб бормоқда. Лекин шунга қарамай, амалдаги президент Александр Лукашенко ўзини хотиржам тутмоқда.

— Бизда ҳамма ёқ осойишта, - деди у Россия Федерацияси бош вазири Михаил Фрадков билан учрашув чоғида. — Ва ҳар қандай сиёсий вазиятдан қатъи назар шундай бўлиб қолади. Чунки, вазиятни биз ўз назоратимизда ушлаб турибмиз.

Белоруссия раҳбари Россия бош вазири билан бошқа масалалар қаторида анчайин муҳим бўлган яна бир масала — Иттифоқчи давлатлар ташкил топганлигининг 10 йиллигини нишонлаш хусусида ҳам фикр алмашади.

Фрадков Минскда Иттифоқчи давлатлар Вазирлар Кенгаши мажлисида қатнашиш учун ташриф буюрган эди.

СИЁСИЙ БЎХРОН КУЧАЙДИ

ХАМАС ҳademай Фаластин мухтор ҳукуматини тузади. Лекин жуда кўпчилик сиёсатдонларни ҳайратга солиб бу галги ҳукумат таркибига ФАТХ вакиллари кирмай қолиши мумкин. Гап шундаки, ушбу сиёсий кучлар ўртасидаги келишмовчилик Фаластин парламентининг биринчи мажлисидаёқ юзага қалқиб чиқди. Бошқача айтганда, биринчи мажлис мухториятда сиёсий бўхронни баттар кучайтириб юборди.

Аввалига ҳаммаси гўё демократик давлатларда бўлгани каби рисоладагидек баҳс-мунозаралар билан кетаётганди. ХАМАС партиясидан сайланган депутатлар ўзларининг парламентда кўпроқ ўринга эга эканликларидан фойдаланиб, мухторият раҳбари Маҳмуд Аббос вколатларини қисқартириш тўғрисидаги резолюцияга овоз бергач, вазият бутунлай ўзгариб кетди. Жумладан, хамасчилар давлат раҳбарини Конституцион суд аъзоларини сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишгандан сўнг бунга норозилик сифатида ФАТХ вакиллари мажлисни ташлаб чиқиб кетдилар.

Юзага келган аҳволдан сўнг Наблус шаҳрига Исроил қўшинлари киритилганлиги хабар қилинади.

ЗАКАРИЯ МАССАУИНИНГ ЧЎРТКЕСАРЛИГИ

АҚШда Закария Массауи устидан суд жараёни давом этмоқда. У машъум 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда юз берган террористик хуружни тайёрлашда айбланаётган ягона кишидир. Француз фуқароси "Ал-Қоида" жангарилари Жаҳон савдо маркази ва Пентагон биносига ҳужум уюштирилишидан сал аввал ҳибсга олинган эди. У сўроқ пайтида тайёрланаётган ҳужум ҳақида чурқ этмаган эди, ваҳоланки ўша воқеа салкам уч минг кишининг ҳаётига зомин бўлган.



Прокурорларнинг фикрича, Массауи "Ал-Қоида" режаларидан хабардор бўлган, фақат уларга қўшилишга улгурмаган. Айнан шунинг учун ҳам француз фуқароси учун ўлим жазоси белгиланиши лозим.

Шуниси қизиққи, суднинг биринчи мажлисида Массауи адвокатлар хизматидан бош тортган. Сабаби, Массауи бундан анча аввал теракт тайёрланишида ўзини айбдор деб эътироф этган. Лекин барибир адвокатлар ҳукмни юмшатишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, ўлим жазоси Массауини ислом дунёси кўз ўнгида жабрдийда сифатида намоён этиши мумкин.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ЯНГИ КУН ТАШВИШЛАРИ

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги «Янги ер» фермер хўжалиги бундан беш йил илгари ташкил этилган эди. Тоғай Раҳматов раҳбарлик қилаётган бу хўжаликда ўтган йили ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олинди. Қабул масканларига 262 тонна юқори навли пахта топширилди. Шунинг 140 тоннасини уруғлик пахта ташкил этди.

- Муваффақиятларимизнинг омили - бу ишчиларимизнинг иноқлиги ва техникамизнинг доимо созлигидир, - дейди Тоғай ака. - Бугунги кунда баҳорги дала ишларини бошлаб юбордик. Учта МТЗ-80, битта Т-4 тракторимиз, ўндан ортиқ машина-механизмларимиз экиш мавсумига шайлаб қўйилди. Ерлар икки марта яхоб сувига қондирилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, икки минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазилди.

Айни пайтда фермер хўжалигида кўкламги юмушлар қизғин паллага кирди. Жамоа аъзолари Наврўз байрами арафасида 62 гектар майдонга чигит қадаш ва ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш ниятида меҳнат қилмоқда.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти "Давинком" давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2006 йил 10 мартдан қуйидаги мулклар қўйилишини маълум қиламиз.

3-синф бўйича, яъни ҳар 15 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан

5 фоизга пасаядиган давлат улуши

Наманган вилоятида жойлашган "Ўзстандарт" агентлиги таркибидаги "Эталон" МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 13431,83 минг сўм.

Ҳар савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасайтириш механизми давом эттириладиган улуш

Андижон вилоятида жойлашган, "Ўзиртаъмирқурилиш" уюшмаси таркибидаги "Хўжаобод" туман КМС" МЧЖнинг 55 фоиз давлат улуши.

Бошланғич баҳоси — 100867,37 минг сўм. Пасайган баҳоси — 30260,21 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1"А" уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www. rkmb.uz

Илҳом

МЕҲР

Дунё гўзаллиги Она матлаби,
Шу боис у бизнинг ардоғимизда,
Қуёш нури ерга гул сочган каби
Меҳри жилваланар дил боғимизда.

Қанча баланд парвоз этмасин бургут,
Қўналға барибир шу ер, шу макон.
Заминга талпинар кўкда ҳам булут,
Ёмғир бўлиб ёғмоқ орзуси ҳар он.

Сочимиз оқарди, кездик дунёни,
Фақат она бўлди бизни тушунган.
Қадрига етайлик меҳр, зиёни,
Ахир, дунё асли меҳрдан унган.

Маҳмуджон ҚУРБОН,
меҳнат фахрийси

КЎКЛАМ

Соғинчлар дилларга сурур улашиб,
Кўклам кириб келди, биз кутган кўклам.
Боғларда қумрилар шод ку-кулашиб,
Қора қарғаларни этмоқда мулзам.

Онамдек бошимни силайди сабо,
Юзларга инади эрка табассум.
Баҳорнинг тилида таралар наво —
Гўдак кулгусидай беғубор, масъум.

Бу дам буғдойзорлар ям-яшил денгиз,
Сумалак бўйига қоришиб ётар.
Она-юрт жамоли жаннатдай тенгсиз,
Тонг ҳам ҳар галгидан ўзгача отар.

Бугун осмонимиз жуда ҳам яқин,
Шаффоф ҳарирларга ўранган кўркам.
Пахтамдай юмшоқдир бу она - Замин,
Ахир, кириб келди биз кутган кўклам.

Соҳибахон АЪЗАМОВА



Беруний туман пахта тозалаш корхонасида меҳнаткашлар маънавий дунёсини бойитишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунда тажрибали кутубхоначи Ойсанам Давлетованинг хизматлари катта. У 46 йилдан буён жамоа аъзоларига зиё улашиб келаяпти. Мўъжазгина кутубхона 5 мингга яқин китоб фондига эга. Ундаги турли сиёсий ва бадиий адабиётлар, илмий қўлланмалар ишчи-хизматчиларнинг яқин маънавий кўмакчисига айланган.

ТАЛАБА - ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ ҲАКАМ

Жаҳон кикбокс Ассоциацияси ўзбек спортчи ўғлони Давронбек Қодировга катта ишонч билдирди. Тошкент автомобил йўллар институти "Автомобилсозлик" факультетининг иқтидорли талабаси ҳисобланган бу умидли спортчига "халқаро тоифадаги ҳакам" сертификати топширилди. Гап шундаки, Д. Қодиров ёшлигидан спортга қизиқиб келади. Кейинчалик у спортнинг кикбокс турига қизиқиши ортди. Бу борада ўзининг маҳоратини ошира борди.

Халқаро кикбокс бўйича Тошкент вилояти кўригида у "Йилнинг энг яхши спорт клуби" номинациясининг ғолиби бўлди. Олий ўқув юрти спорт клубида кикбокс секцияси унинг ташаббуси билан иш бошлади. Айни вақтда чемпионатларда ҳакамлик қилиб, шу соҳанинг билимдони эканини амалда кўрсатди.

Бугунги кунда ўқишдан ажралмаган ҳолда Тошкент шаҳар кикбокс Федерациясига вице-президентлик қилиб келмоқда. Ташкилотчилик ва маҳорат борасидаги бу каби хизматлари юқори баҳоланиб, "XXI аср ниҳоллари" китобига унинг номига ҳам киритилди.

Толиби илм республикамизда кикбоксни ривожлантириш ишига муносиб ҳиссасини қўшиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

РАНГ-БАРАНГ СПЕКТАКЛЛАР

Республика ёш томошабинлар театри бу йил ўз муҳлисларини қатор спектакллар билан хушнуд этади. "Камалак байрами" деб номланган постановка шулар жумласидандир. Театр бу асарни "Пластика" театр-студияси билан биргаликда саҳнага олиб чиқди.

Яна қатор спектакллар устида иш олиб борилмоқда. "Сичқонлар пишлоқни ҳуш кўрадилар", "Фантазия" каби янги картиналар ҳам юзага келмоқда. Ота-оналар ва фарзандлар ўзаро муносабатлари масаласига бағишланган постановка эса "Дискотека" деган номда кўрсатилади. Испан драматурги Ф. Арабалининг "Боғ сайли" асари саҳна юзини кўргач, театрнинг Германияга қиладиган ижодий сафари дастуридан ўрин олади.

А.АКБАРОВ

Донолар дейдики...

БЕБАҲО ХОТИН

Узоқни ўйлаган хотин — мард хотин.
* * *
Хотин Султон бўлса, эр файласуф.
* * *
Эрнинг савлати — хотиннинг давлати.
* * *
Эр тилло бўлса, хотин жавоҳир.
* * *
Оилам деган хотинга омаднинг ўзи кулиб боқади.
* * *
Бахти кулган хотиннинг тахти ҳам кулади.
* * *
Мард эрнинг хотинида дард бўлмас.
* * *
Хотиннинг қаттиққўллиги — рўзғорнинг бутлиги.
* * *
Ишбилармон хотин — бебаҳо хотин.

Биласизми?

МАШҲУР САЙЁҚ ОЛИМА

Помир чўққилари орасида энг катта Федченко музлиги бор. Эр-хотин Алексей Павлович ҳамда Ольга Александровна Федченколар 1868 йилдан то 1871 йилгача Ўрта Осиёнинг тоғли жойларини ўрганишган.

Улар тўплаган коллекция фан учун янгилик бўлди. Ольга Александровнанинг ботаникага доир материаллари Осиёнинг бу қисмидаги фанга номаълум бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан танишиш имконини берди.

У ўғлини ҳам эри бошлаган ишни давом эттиришга лаёқатли қилиб тарбиялади. Шу тариқа орадан чорак аср ўтгач, 1897 йилдан 1915 йилгача она ўғли билан бирга Тян-Шан ва Помирга тўрт маротаба саёҳат қилди.

А.АЛИЕВ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

Қадимий ва гўзал Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб қатор янги китоблар босмага тайёрланмоқда. Айни вақтда Қашқадарё воҳасининг бу кўҳна шаҳри тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб нашрлар мавжуд.

Шулардан бири "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" деб номланган тўпламдир. Венгер шарқшуноси Герман Вамбери бу нодир китобни Ўрта Осиёга қилган илмий сафари хотиралари асосида ёзди. Ўз вақтида немис тилида чоп этилган ушбу тўпламнинг бир нусхаси Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ноёб нашрлар бўлимида сақланади. Ушбу китобнинг алоҳида бир боби Буюк Ипак йўли ўтадиган серқатнов манзилда жойлашган Қарши шаҳрига бағишланган эди. 1863 йилда Бухоро амирлигида бўлган венгер сайёҳи Қаршига Самарқанд орқали келганди. "Самарқанддан Қаршига учта йўл боради, — деб ёзади у. — Биринчи, энг узоқ йўл Шаҳрисабз орқали. Унинг бошланишини айланма йўл дейиш мумкин; иккинчи, Жом орқали, 15 милга чўзилиб тоғ ортидан, тошлоқлардан ўтади, шу сабабдан, аравада юриш жуда қийин; учинчи, 18 мил узоқликка чўзилиб, чўлдан ўтади".

ВЕНГЕР ШАРҚШУНОСИ ТАЛҚИНИДА

Бу кузатув венгер олими учун ноёб ҳодиса эди. "Қатиқ иссиқ туфайли жуда имиллаб юрдик ва бу йўлни икки куну уч кечада босиб ўтдик, — деб эслайди китоб муаллифи. — Қаршини текис кўтарилган баландликка етганда кўрдик. Бу жойдан ўнг томонга кетган йўл Каттақўрғонга олиб боради, чапда эса Шари Сабс (Шаҳрисабз)дан чиққан ва Қарши адоғидаги қумликларда йўқоладиган дарё кўринади".

Китобда ёзилишича, XIX аср ўрталарида Қаршида 10 та карвонсарой, жуда катта бозор бўлган. Агар сиёсий келишмовчиликлар бўлмаганда эди, бу бозор Бухоро, Қобул ва Ҳинд ўртасидаги савдо тараққиётида муҳим ўрин тутган бўлар эди. Венгер сайёҳида яна бир ҳолат катта таассурот қолдирган эди. Бу ҳам бўлса шарқона маданият ва истироҳат боғи кўриниши эди. Буни муаллиф бундай таърифлайди: "Қаршида омма учун очиқ бўлган дам олиш жойини кўриб, тамомила ҳайратда қолдим. Буни нафақат Бухоро ва Самарқандда, ҳатто Эронда ҳам учратиб бўлмайди. У, дарё қирғоғида қулоч ёзган ва Қаландархона деб аталадиган каттакон боғ эди. Унда (одамлар) пешиндан ярим кечга қадар жам бўладилар. Ҳар томонда чойхона бўлиб, улар атрофида гуруҳ-гуруҳ одамлар йиғиларди. Бу хушчақчақ даврадагилар кўриниши Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилувчилар учун ғалати, ғайритабиий бўлиб туюлади".

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан "Баҳор, аёллар ва гуллар" кўргазмаси очилди.

СИЗ ЁҚТИРГАН ХУШ БЎЙ


Анжуман Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Росзарубежцентр", Россия маданият маркази ҳамда Тасвирий санъат галереяси ҳамкорлигида ташкиллаштирилди. Кўргазмада профессионал рассомларнинг олтмишдан зиёд асарлари муҳлислар эътиборига ҳавола этилмоқда. Хусусан, И. Валихўжаевнинг "Мойчечаклар", "Хотиржамлик", С. Шиннинг "Гуллар", "Кузги атиргуллар", М. Тошмуротовнинг "Гултожихўроз", Д. Розиқовнинг "Гулдаста", Г. Антоновнинг "Кўклам" ва О. Залевскойнинг "Гултожихўроз ва анор" асарлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.



– Кўргазма 8-март халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган бўлиб, унда аёллар ёқтирган хушбўй гуллар моҳирона акс эттирилган асарлар намойиш этилмоқда. Кўргазманинг номи "Аёллар, гуллар ва баҳор" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки одатда аёллар баҳорга, чиройли гулларга қиёсланади, – дейди санъатшунос Гавҳар Абдуллаева.

Кўргазма бир ой давом этади.

«Туркистон-пресс»



Икром ХАСАНОВ олган суратлар

Болалар спорти

Бол таъмли узумлари, асалдан тотли мева-чевалари билан воҳада донг таратган Гувалак мустақиллик йилларида спортчилар қишлоғи сифатида тилга тушди. Илмга чанқоқ, қалбида яратувчилик ишқи жўш уруган ёшлар орасидан доврукли спортчилар етишиб чиқди.

Вужудидан Барчин авлодларига хос жасорат ва ўктамлик, мардлик ва жасурлик жой олган, миллатимиз шаъни ва ғурурини етти иқлимга намойиш этган полвон қизларни нафақат Косон туманида, балки вилоятда ҳам «Гувалак маликалари» деб эъзозлашади.

Инсонда спортга қизиқиш ва иштиёқ болаликдан шаклланади. Фақат уни амалий машқларда тоблаб, мустаҳкамлагандагина маҳоратли спортчи бўлиб етишиш мумкин.

Бугунги кунда жаҳон гиламларида кураш тушиб, шаънига давлатимиз мадҳияси янграётган сарвқомат, эпчил ва чапдаст қизлар, билаги қайроқдек баҳодир йигитларнинг камолот чўққисига кўтарилишида бутун умрини хайрли ишга бағишлаган тажрибали мураббий, «Шуҳрат» медали соҳиби Пўлат ака Омонқуловнинг хизматлари беқиёс.

— Мамлакатимизда спорт тараққиёти учун барча шароитлар яратиб берилганлиги иродали, матонатли ёшларнинг камолга етишини таъминламоқда, — дейди олий тоифали ўқитувчи П.Омонқулов. — Биз мураббийлар спорт орқали болаларга маънавий тарбия бериш учун интиламиз. Чунки, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, соғлом бўлиш учун эса спорт билан мунтазам шуғулланиш керак, деган фикр ўғил-қизлар онгига сингиб кетган.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил топиши ёш авлодни жисмоний ва руҳий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, қалбида Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Гувалакдан нафақат республикамизда, дунёда ҳам машҳур спортчи қизлар етишиб чиқди. 1996 йилда Испанияда ўтказилган самбо бўйича жаҳон ва бир неча бор Осиё чемпионатининг ғолиби Марина Қодирова, Шаҳрисабзда уюштирилган жаҳон ёшлар чемпионатининг биринчи ўрин совриндори Дилшода Ҳазратова, самбо бўйича мамлакат чемпионати ғолибаси Гулруҳ Раҳмонова сингари чемпионлар учун қишлоқдаги спорт тўгараги дастлабки пиллапоя бўлиб хизмат қилган.

Гувалак маиший хизмат касб-ҳунар коллежи «Ҳуқуқий хўжалик фаолияти» гуруҳи талабаси Дилдора Жўраевани кўрган киши самбо кураши бўйича 44 килограмм вазнда 1984-1986 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида ғолибликни қўлга киритиб, олий ўқув юртида ўқиш учун имтиёзга эга бўлганига ишонмайди. Жуссаси кичик бу серғайрат қиз 9-синфдан буён самбо, дзю-до кураши билан шуғулланиб келаяпти. 2002 йилда Тошкентда самбодан учинчи, 2003 йилда иккинчи, 2003 йилнинг сентябр ойида Қарши шаҳрида дзю-до мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаган.

— Коллеж маъмуриятининг ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши туфайли қийинчиликларни енгиб ўтаяпман, — дейди Дилдора биз билан суҳбатда. — Устозим Пўлат ака Омонқулов раҳбарлигида машғулотларда фаол қатнашаяпман.

Дилдора амакисининг қизи Қундуз Жўраева йўлидан бормоқда. Қундуз 2003 йилда Арманистонда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида учинчи, Осиё чемпионатида самбодан иккинчи ўрин соҳибаси бўлган. Айни пайтда Тошкентдаги Ички ишлар вазирлиги академияси талибаси. Коллежнинг яна бир ўқувчиси, биринчи босқич талабаси Илҳом Йўлдошев Термиз шаҳрида 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида миллий курашдан 71 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни олиб қайтди ва олийгоҳда ўқиш имтиёзини қўлга киритди. Спорт тўгарагида чиниққан уч нафар қиз Тошкентдаги жисмоний тарбия университетида, 4 таси Ички ишлар вазирлиги академиясида, 10 нафари Қарши Давлат университетининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетида таълим олаяпти.

«От изини той босади» дейдилар. Пўлат аканинг фарзанди Фазилат Омонқулова падари бузрукворининг йўлидан бориб, курашчилар сафига қўшилди. Ёшлигида спортга ҳавас қўйган қишлоқ қизи ўзбек миллий кураши, самбо, дзю-до, Турон якка кураши билан мунтазам шуғулланди. Қарши Давлат университетининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетини битириб, дорилфунунда олган билимларини қишлоқдошларига ўргатиб келаяпти.

Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида фаолият кўрсатаётган спорт тўгарагида нафақат Гувалак, балки Пистали, Пўлати, Бешқўтон, Ушоқтепа, Бўлмас қишлоқларидан ҳам ихлосманд ёшлар келиб жисмоний тарбия сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Фазилатнинг шогирдларидан икки нафари «Баркамол авлод» мусобақаларининг республика босқичида совринли ўринни эгаллади.

Халқаро тоифадаги спорт устаси, кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон беллашувларида иккинчи ўрин соҳибаси, самбо, дзю-до, миллий кураш ва Турон якка курашидан республика чемпиони Фазилат Омонқулованинг шогирдлари кўпайиб бормоқда.

Гувалаклик қизлар 1992 йилдан буён дунё татамиларида ўз маҳоратларини намойиш эта бошладилар. Устоз-мураббий Пўлат ака Омонқулов қўлида таҳсил кўрган курашчилардан 1 нафари жаҳон, 5 нафари Осиё, 50 нафари мамлакат чемпиони бўлиб етишган.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан қишлоқда қад кўтарган спорт мажмуасини вилоятда ягона деса бўлади. Жаҳон андозалари асосида бунёд этилган мухташам иншоотда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун қулайлик яратилган. Ўндан ортиқ тўгараклар ишлаб турибди. Алишер Қодиров раҳбарлик қилаётган гуруҳда 80 дан ортиқ ўғил болалар қатнашмоқда.

ГУВАЛАК МАЛИКАЛАРИ

Юртбошимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида таъкидлаганларидек, жисмоний тарбия ва спортни хотин-қизлар ўртасида кенг оммалаштириб, улар учун муайян имтиёзлар яратилса, болалар спорти назарияси ва методикаси чуқур ўргатилса яхши натижа беради. Ҳар бир нарсага қизиқувчи, иқтидорли мураббий Собоҳат Одилова қизларга бадиий гимнастикадан сабоқ бераяпти. Гўзаллик ва маҳорат, чаққонлик ва маҳорат ифодаси бўлган ушбу спорт турига қизиқувчилар ортмоқда.

Қишлоқдаги умумтаълим мактабида спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика, миллий кураш, шахмат-шашка, бадиий гимнастика гуруҳлари ишлаб турибди.

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат баркамоллик, балки маънавий юксалиш, ақлий тафаккур ва билимдонлик манбаидир. Гувалакликлар ўз қишлоқлари шарафини улуғлашга, дунё бўйлаб ўтказиладиган мусобақаларда ғолиблик шохсупасига чиқиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришга бел боғлаганлар.

Иззат ҲИКМАТОВ
«Ишонч» мухбири

ЭТАГИДАН РАЙҲОН ТЎКИЛГАН ЭНАМ...

Олис йилларни хотирласам, энам ёдимга тушади. Узун сочлари тундай қора, юзлари қирмизи, кўзлари ҳавасдан чақнаб турадиган энам...

Негадир доим оппоқ кийиниб юрардилар. Шу учунми, набиралари «оқ эна», «оппоқ эна» дея ортидан эргашарди. Шундай беозор, шундай мулойим, ҳатто гуллар билан ҳам сўзлашиб юрадиган аёл эди ўзиям...

«Икромой юрганида этакларидан райҳон тўкилиб борарди» дейишади у кишини таниган кексалар. Жуда гулга ўч бўлганлар. Ўзлари экиб, ўзлари парваришлар, доим чаккаларига райҳон тақиб юраркан-лар. Самарқандга борган кезларим ҳаётлигида ўстиргган атиргулларини кўриб маъюс тортаман, «буларни меҳр билан суядиган нигоҳлар, гулбаргларини ҳеч кимга билдирмасдан силаб-сийпаб кўядиган қўллар энди йўқ» деган фикр хаёлимдан кечади ва ўз-ўзимча шеър туқийман:

Бир ҳовли гул...
Барин ўзингиз экканд.
Райҳонлар очилар сим-сиёҳ, ғариб.
Баргларида илиқ тафтингиз қолган,
Атиргуллар турар сизни соғиниб!
Нафаси гулларга қоришиқ энам...

Энам жуда чевар эдилар. Кашталари бири-биридан гўзал бўларди. Қоп-қора бахмалга тилларанг ипларда нақшланган гулу-чечаклар худди тун қўйнидаги юлдузчалардек чарақларди. Гулга ошиқ булбул суврати, нозик ғунча теграсида учаётган капалак, бир-бирини тўлдириб турғувчи Ой ва Қуёш тасвири, тумшуқчаларини бир-бировига теккизаётган қушлар... Ҳунарларидан бутун қишлоқ қизлари баҳраманд бўларди ўша кезларда. Ипакларни ҳам ўзлари тайёрлаб, ўзлари бўяганлар. Энамнинг айтишича, ўша вақтдаги бир қатим ипакка ўн тўрт килограмм юкни осса бўларкан! Шунчалар пишиқ қилиб йигиришаркан-да, деб ўйлардим. Яна айтардиларки, кашта тикаётганда киши чиройли хаёлларни кўнглидан ўтказса, тиккан нақшлари ҳам чиройли чиқаркан! Мен бу кун руҳиятшуносларнинг «ижобий бомайдон инсон бажараётган ишларга ёрдам беради» деган сўзларини ўқиганимда дарҳол энамнинг гаплари хаёлимдан ўтади.

Менинг донишманд ва илмли энам... Бу аёл рўзғор илмини, ҳаёт илмини бергувчи эди!

КЎЗГА ЯҚИН ЗАРДЕВОР

Бир неча йиллар бурун шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим. Самарқандга борганимда ошхона юмушларига қарашаётиб столнинг чеккасида тахлоғлик матога кўзим тушди. «Бу нима?» дедим. «Эски зардевор, у-бу нарсани ўраб қўямиз гоҳо» деди онам. Очиб қарадиму юрагим дук-дук ура кетди. Ахир, бу энамдан қолган зардевор-ку! Гарчи мато униқиб, эскирган бўлсада, лекин ипак нақшлари чўғдек ёниб турибди. Бу нақшларга энамнинг кўз нури, қоларверса орзу-армонлари жо бўлган... Зардеворни ўзим билан Тошкентга олиб қайтдим. Уни авайлаб сандиқ ичига солдим. Энамни соғинган кезларимда зардеворга синчиклаб термуламан. Унга тикилган гулларни томоша қилаётиб нақшлар орасидан энам менга қулиб боқаётгандай туюлади. Инсон ўзининг қилган ишларида яшайди, деганлари рост... Менинг фариштасифат энамнинг ҳаёти мана шу зардеворда, қишлоқдаги келинларга совға қилган юзлаб кашталарида, қолаверса экиб кетган атиргулларида давом этаётир. Демак, энам ҳали-ҳануз яшаяпти...

ОЙНАХАЛТАДА НИМА БОР?

Эсимда, энам ойнахалта тикишга уста эди. Ҳар бир келиннинг сеп буюмлари орасида албатта, ойнахалта бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлардилар. Маълумки, илгарилари қиз бола ёки келинларнинг пардоз-андоз учун зарур нарсалари ойнахалтада сақланган. Масалан, ойнахалта игна-ип, тароқ, қайчи, тугмалар сақланадиган буюм вазифасини ўтаган ва у болаларнинг қўли етмайдиган жойга осиб қўйилган. Ойнахалта тикиш ҳақида энамнинг қишлоқ келинларига айтган сўзлари ҳали-ҳануз ёдимда қолган.

Эҳтиром

— Тўртбурчак шаклдаги ойнахалта учун чидамли ва ювганда ранги чиқмайдиган газлама танлаш керак,— дердилар энам. — Унинг юза қисмига ипаклар ёрдамида чиройли нақшлар - атиргул ғунчалари тикилади. Тўртала бурчагига сувмунчоқ, кўзмунчоқ, қалампирмунчоқ ва туморчаларни чатиб қўйсангиз, уйга ёвуз кучлар ҳамла қилиши бартараф этилиб, ёмонликнинг кучи қирқилади.

Ҳа, энам «бармоқлари учида мўъжиза яратадиган» аёл эдилар. У кищи оддий матога нақш чизиб, сўнг ипаклар ёрдамида кашталаган зардеворлар чинакамига деворларни безаб турса, ойнахалталар ҳам иш қуроли, ҳам кўзни олувчи санъат асари сифатида уйларга кўрк бахш этарди.

ТОШ ОТГАНГА ГУЛ ОТ...

Ёмонлик қилган одамга ҳам сен яхшилик қилавер, шундай йул тутсанг, душманинг бора-бора дўстга айланади, — дер эдилар энам. Ўзлари ҳам ҳаётда шундай яшардилар. Набираларига атаб бўйрадек жойда ҳандалак етиштирардилар. Сўнг чопонлари этагига солиб қишлоқ болаларига тарқатиб чиқар эди.

Билиб-билмай бировга сал ножоиз сўз айтиб қўйсалар, дарров узр сўрардилар. Ваҳоланки, кўпчилигимиз бугун бировга жаҳл қилсак, ғазабимизни сочсак, эртасигаёқ унутиб юборамиз. «Дилозорлик оғир гуноҳ, ҳар битта гуноҳни кечира олган Эгам дилозорнинг гуноҳини кечирмас экан» дердилар. Қайта-қайта эшитган бу ўгитларимиз бизга бир ҳовуч жавоҳир сингари мерос бўлиб қолган.

Сўзлашдан кўра кўпроқ ишни суядиган, қўшнининг боласи йиғласаям ўз боласидек кўриб овутадиган фидойи энамнинг «Бизни соғинганлар омон бўлишсин» деган ҳикмати ёдимга тушаверади негадир. Мен ҳам сиздек бўлгим келади, энажон! Кошкийди...

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.55
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
123456

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши Андижон вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгашининг бош ҳисобчиси
Иброҳимжон БУДАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.